

## ҚХМ факультети талабалари “Самарқанд ёшлар форуми-2021” да иштирок этишди

2021 йил “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлаш йили” ҳамда Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Харакатлар стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири, ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.



Шулардан келиб чиқган ҳолда, жорий йилнинг 13-14 мартда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган “Бир манфаат эмас, бир мақсад сари” шиори остида ўтказилган “Самарқанд ёшлар форуми-2021” форумида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультетининг иқтидорли талабалари гуруҳи фаол иштирок этишди.



Турли номинациялар бўйича қатнашган иқтидорли талабаларимиз ғолибликни қўлга киритишиб диплом ва эсталик совғалари билан тақдирландилар. Жумладан, “THE BEST DELEGATE” номинацияси бўйича 2-курс талабаси Хўжамқулов Жавлонбек фахрли 1 даражали диплом билан тақдирланди.



Бундан ташқари маҳоратли спекерлар томонидан талабаларни қизиқтирган йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини бўйича фикр алмашдилар. Ташкил этилган форумнинг 2-куни “Кўхна ва боқий Самарқанд” бўйлаб саёҳат уюштирилди.



**ҚХМ факультети ЁБИБ декан муовини К.Усмонов**